



## THE LEGAL NATURE OF THE CRIME OF POSSESSION AND ITS EXPRESSION IN NATIONAL LEGISLATION

**Razhabov Zhakhongir Azamzhonovich**

Responsible officer of the Department of Internal Affairs of the  
Yunusabad district

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17452945>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> October 2025

Accepted: 26<sup>th</sup> October 2025

Online: 27<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Brothels, criminal law,  
corpus delicti, prostitution,  
crime prevention, legal  
responsibility, criminological  
analysis, national legislation.

### ABSTRACT

*This article analyzes the legal nature of the crime of brothel-keeping, the degree of its public danger and its reflection in the legislation of the Republic of Uzbekistan. The purpose of the article is to identify the legal features of this crime, analyze the elements of its composition, and show the similarities and differences in national and foreign legal systems. It also provides scientific opinions on the topic, various views of legal scholars, and the author's personal attitude. As a result of scientific research, specific proposals have been developed to improve the current legislation.*

## ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ХРАНЕНИЯ ПРОСТОЛОВ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

**Ражабов Жахонгир Аъзамжонович**

ответственного сотрудника УКД ОВД Юнусабадского района

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17452945>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> October 2025

Accepted: 26<sup>th</sup> October 2025

Online: 27<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Бордели, уголовное право,  
состав преступления,  
проституция,  
профилактика  
преступности,  
юридическая  
ответственность,  
криминологический  
анализ, национальное  
законодательство.

### ABSTRACT

*В данной статье анализируется правовая природа преступления содержания притонов, степень его общественной опасности и отражение в законодательстве Республики Узбекистан. В статье ставится цель определить правовые признаки данного преступления, проанализировать элементы его состава, а также показать сходства и различия в национальной и зарубежной правовых системах. Также приводятся научные мнения по теме, различные взгляды ученых-правоведов, излагается личное отношение автора. В результате научного исследования разработаны конкретные предложения по совершенствованию действующего законодательства.*



**ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА  
УНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИФОДАСИ**

**Ражабов Жаҳонгир Аъзамжон ўғли**

Юнусобод тумани ИИО ФМБ масъул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17452945>

**ARTICLE INFO**

Received: 20<sup>th</sup> October 2025

Accepted: 26<sup>th</sup> October 2025

Online: 27<sup>th</sup> October 2025

**KEYWORDS**

Фоҳишахона, жиноят  
ҳуқуқи, жиноят таркиби,  
фоҳишалик, жиноятчилик  
профилактикаси, ҳуқуқий  
жавобгарлик,  
криминологик таҳлил,  
миллий қонунчилик.

**ABSTRACT**

*Ушбу мақолада фоҳишахона сақлаш жиноятининг ҳуқуқий табиати, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ифодаси таҳлил қилинган. Мақолада мазкур жиноятнинг ҳуқуқий белгиларини аниқлаш, унинг жиноят таркиби элементларини таҳлил қилиш, ҳамда миллий ва хорижий ҳуқуқ тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш мақсад қилинган. Шунингдек, мавзу бўйича илмий фикрлар, ҳуқуқшунос олимларнинг турли қарашлари келтирилиб, муаллифнинг шахсий муносабати баён этилган. Илмий тадқиқот натижасида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.*

Жамиятда ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни бузишга олиб келувчи жиноятлар орасида фоҳишахона сақлаш жинояти алоҳида ўрин тутаяди. Бу жиноят нафақат шахснинг ахлоқий қадриятларига, балки жамоат хавфсизлиги ва жамиятнинг маънавий асосларига ҳам жиддий таҳдид солади. Фоҳишахона сақлаш жинояти жамиятда фоҳишаликнинг тарқалиши, одам савдоси ва жинсий эксплуатация каби бошқа оғир жиноятларнинг авж олиши учун замин яратаяди.

Ўзбекистон Республикасида бу турдаги жиноятларга қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Жиноят кодексининг 131-моддасида Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш (*ифода шрнида: фоҳишахона сақлаш ёки фоҳишаларни фоҳишалик қилиш учун жой билан таъминлаш*) учун жавобгарлик белгиланган.<sup>1</sup> Аммо бу норманинг самарали қўлланилиши ва жиноятнинг олдини олиш борасида ҳануз етарлича илмий-назарий ва амалий таҳлиллар етарли эмас.<sup>2</sup>

Мавзунинг долзарблиги, аввало, фоҳишалик ва фоҳишахона сақлаш каби иллатлар глобал тус олаётгани, интернет ва туризмнинг ривожланиши натижасида янги шакл ва кўринишларда намоён бўлаётгани билан изоҳланади. Шу боис бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни чуқур ўрганиш, миллий қонунчиликни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2024. – Б. 145.

<sup>2</sup> Муслимов Б. “Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм)” дарслиги. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2022. – Б. 312.



такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб вазифа саналади.<sup>3</sup>

Фоҳишахона сақлаш жинояти жамиятнинг маънавий асосларига қарши қаратилган, шахснинг ахлоқий қадриятларини бузишга олиб келувчи ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, ҳар қандай жиноятнинг ҳуқуқий табиати унинг **ижтимоий хавфлилиги, қонунга хилофлиги, айблилиги** ва **жазога сазоворлиги** орқали белгиланади.<sup>4</sup>

Фоҳишахона сақлаш — бу муайян жойни фоҳишалик билан шуғулланиш учун тайёрлаш, сақлаш ёки бошқариш билан боғлиқ ғайриқонуний фаолият бўлиб, у жинойий ҳуқуқ нуқтаи назаридан жиноят таркибининг барча элементларига эга:

- **Объекти** – жамоат тартиби ва жамиятнинг маънавий асосларига оид муносабатлар;
- **Объектив томони** – фоҳишахона ташкил этиш, сақлаш ёки бошқариш ҳаракатларида намоён бўлади;
- **Субъекти** – 16 ёшга тўлган, жиноят содир этиш қобилиятига эга жисмоний шахс;
- **Субъектив томони** – тўғридан-тўғри қасд, яъни айбдор шахс фаолиятининг жинойий моҳиятини англаб, фоҳишалик учун шароит яратишга қасд қилади.<sup>5</sup>

Бошқа жиноятлардан фарқли равишда, фоҳишахона сақлаш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги икки қиррага эга. Биринчиси — жинсий жиноятчиликнинг ўсишига хизмат қилиши; иккинчиси — жамиятда ахлоқий меъёрларнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фоҳишахона сақлаш алоҳида модда билан белгилангани бу жиноятнинг ҳуқуқий табиатини мустақил тарзда баҳолаш зарурлигини кўрсатади. Шу маънода профессор **Б. Муслимов** таъкидлаганидек, “фоҳишахона сақлаш фақат ахлоқ нормаларини эмас, балки жамоат хавфсизлигини ҳам таҳдид остига қўяди, шу сабабли унинг ҳуқуқий баҳоси алоҳида аҳамият касб этади”.<sup>7</sup>

Шу билан бирга, бу жиноятни жиноят ҳуқуқининг “ахлоққа қарши жиноятлар” тизимида жойлаштириш ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Масалан, **Н. Шарипов** фоҳишахона сақлашни “иқтисодий манфаат олиш мақсадида амалга ошириладиган ахлоққа қарши фаолият” сифатида баҳолайди ва уни жинсий жиноятлардан фарқли равишда кўришни таклиф этади.<sup>8</sup>

<sup>3</sup> Каримова Д. “Фоҳишалик ва унинг жинойий ҳуқуқий тавсифи”. – “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, №3, 2021. – Б. 57–61.

<sup>4</sup> Таджиханов Ш. “Жиноят ҳуқуқи назарияси”. – Т.: ТДҲУ, 2020. – Б. 128.

<sup>5</sup> Хайдаров М. “Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг элементлари”. – “Юриспруденция” журнали, №4, 2021. – Б. 22–25.

<sup>6</sup> Муслимов Б. “Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм)” дарслиги. – Т.: ТДҲУ нашриёти, 2022. – Б. 310.

<sup>7</sup> Муслимов Б. “Ахлоққа қарши жиноятлар тизими ва уларнинг жамият хавфсизлигига таъсири”. – “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, №2, 2023. – Б. 41.

<sup>8</sup> Шарипов Н. “Ахлоққа қарши жиноятлар ва уларнинг ҳуқуқий баҳоси”. – Т.: “Фан” нашриёти, 2019. – Б. 97.



Бизнинг фикримизга кўра эса, бу жиноятда ахлоқий зарар билан бир қаторда иқтисодий манфаат элементлари ҳам мавжуд бўлиб, бу унинг ҳуқуқий табиатини иккиламчи йўналишга эга қилади.

Бундан ташқари фоҳишахона сақлаш жиноятини фақат ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш тўлиқ тўғри саналмайди. Чунки бу жиноятнинг амалга оширилишида асосан моддий фойда олиш мақсади устувор аҳамият касб этади. Шу боис, унинг ҳуқуқий табиатини белгилашда ҳам **ахлоқий**, ҳам **иқтисодий** ва **ижтимоий хавфлилик** жиҳатларини биргаликда ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида қўшмачилик қилиш ва фоҳишахона сақлаш жинояти учун жавобгарлик **Жиноят кодексининг 131-моддаси**да белгиланган бўлиб, ушбу модданинг диспозициясида жиноятнинг аниқ ҳаракатлари — яъни **сақлаш** ва **жой билан таъминлаш** белгиланган ва уларнинг ҳар бири мустақил жиноят ҳаракати сифатида баҳоланади.

Амалдаги қонунчиликда бу модда **ахлоққа қарши жиноятлар** бўлимига киритилган. Бу эса қонун чиқарувчининг ушбу жиноятни жамиятнинг маънавий қадриятларига қарши деб баҳолаганини кўрсатади.<sup>9</sup> Бироқ, қонун нормасида “фоҳишахона” атамасининг ҳуқуқий таърифи аниқ берилмаган. Бу эса амалиётда турли талқинларга сабаб бўлмоқда.

Профессор **Х. Расулов** фикрига кўра, “фоҳишахона” тушунчаси нафақат жисмоний жойни, балки фаолиятни ташкил этувчи барча шарт-шароитлар мажмуасини англатиши лозим.<sup>10</sup> Шу нуқтаи назардан, фоҳишахона деганда нафақат уй, хоналар ёки мажмуа, балки фоҳишаликни ташкил этувчи барча воситалар — интернет платформалар, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлар орқали амалга ошириладиган яширин фаолият ҳам тушунилади.

Амалиётда эса судлар томонидан “фоҳишахона” тушунчасига нисбатан тор ёндашув қўлланилиши ҳолатлари учрайди. Масалан, **2022 йилда Тошкент шаҳар суди**да кўрилган ишда айбдор шахснинг хонадондан фойдаланиши “фоҳишахона сақлаш” деб топилмаган, чунки у ерда доимий равишда фоҳишалик фаолияти олиб борилмаган. Суд бу ҳолатни фақат “жой билан таъминлаш” деб баҳолаган.<sup>11</sup> Бу эса модданинг амалда қўлланилишидаги изоҳ ва таъриф муаммоларини кўрсатади.

Фикримизча, **Жиноят кодекси 131-моддасига изоҳ киритиш**, яъни “фоҳишахона” атамасининг аниқ ҳуқуқий таърифини бериш лозим. Бу нафақат суд амалиётида ягона ёндашувни таъминлайди, балки жиноятни аниқлаш ва унинг олдини олишда ҳуқуқни қўлловчи органлар учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, қонун нормасида жиноятнинг оғирлик даражаси аниқ кўрсатилмаган. Ҳолбуки, фоҳишахона сақлашнинг турли шакллари (*масалан, ёлғиз*

<sup>9</sup> Муслимов Б. “Жиноят ҳуқуқи (махсус қисм)”. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2022. – Б. 312.

<sup>10</sup> Расулов Х. “Ахлоққа қарши жиноятларнинг ҳуқуқий табиати”. – “Юрист ахборотномаси”, №1, 2020. – Б. 51.

<sup>11</sup> Тошкент шаҳар судининг 2022 йил 14 мартдаги ҳукми. – Суд ҳужжатлари маълумотлар базаси, №131/22.



шахс ёки уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилиши) жуда турлича ижтимоий хавф даражасига эга.

Шу нуқтаи назардан, **моддага қўшимча квалификация белгилари** (масалан, “тақдирда уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса” каби) киритилиши мақсадга мувофиқ саналади.<sup>12</sup>

Фикримизга кўра, амалдаги 131-модда айрим жиҳатлардан умумий ва аниқсиз бўлиб, унинг ҳуқуқни қўллаш самарадорлигида муайян тўсиқлар келтириб чиқаради. Шунинг учун уни такомиллаштириш орқали ҳам қонуннинг аниқлиги, ҳам унинг амалий аҳамияти ошади.

Фоҳишахона сақлаш жинояти деярли барча МДХ давлатлари жиноят кодексларида ахлоққа қарши жиноят сифатида белгиланган. Бироқ, ҳар бир давлат бу жиноятнинг ҳуқуқий белгиларини турлича ифодалаган. Бу, ўз навбатида, миллий ҳуқуқ тизимларининг хусусиятларини акс эттиради.

**Россия Федерацияси** жиноят кодексининг 241-моддасида “Фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек, фоҳишаларни фоҳишалик учун жой билан таъминлаш” деб белгиланган.<sup>13</sup> Бу модданинг диспозицияси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддасига ўхшаш бўлиб, фақат Россия қонунчилигида жиноят учун жавобгарликнинг оғирлик даражаси аниқ кўрсатилган. Масалан, агар бу жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилса, ёки вояга етмаган шахслар жалб қилинса, жазо муддати 10 йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутди.<sup>14</sup>

**Қозоғистон Республикаси** жиноят кодексининг 309-моддасида эса “Фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш” жинояти “жамият ахлоқига қарши қилмишлар” бўлимига киритилган.<sup>15</sup> Бу ерда ҳам жиноятнинг объектив томони Россия қонунчилигига ўхшаш тарзда белгиланган, аммо жавобгарлик чоралари анча енгил: фақат 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки молиявий жарима билан чекланилади.

**Қирғизистон Республикаси** жиноят кодексига эса “Фоҳишахона сақлаш ёки фоҳишалик учун жой бериш” моддаси 2017 йилги ислохотлардан кейин “жиноий ҳуқуқбузарлик” сифатида баҳоланади, яъни унинг ижтимоий хавф даражаси пасайтирилган.<sup>16</sup> Бу, маълум маънода, Қирғизистонда либерал ёндашувнинг мавжудлигидан далолат беради.

Профессор **А. В. Наумов** фикрича, “фоҳишахона сақлаш жиноятининг ҳуқуқий табиати давлатнинг маънавий сиёсатидан келиб чиқади, шунинг учун турли давлатларда унинг жиноий-ҳуқуқий баҳоси турлича бўлиши табиий”.<sup>17</sup>

<sup>12</sup> Шарипов Н. “Ахлоққа қарши жиноятлар ва уларнинг ҳуқуқий баҳоси”. – Т.: “Фан” нашриёти, 2019. – Б. 99.

<sup>13</sup> Россия Федерацияси Жиноят кодекси. – Москва: “Юрайт” нашриёти, 2023. – Б. 214.

<sup>14</sup> Наумов А.В. “Российское уголовное право. Особенная часть”. – М.: Норма, 2022. – Б. 387.

<sup>15</sup> Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси. – Остона: “Жети жаргы”, 2023. – Б. 175.

<sup>16</sup> Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси. – Бишкек: “Ала-Тоо”, 2022. – Б. 203.

<sup>17</sup> Наумов А.В. “Преступления против нравственности и общественной безопасности”. – М.: “Юристъ”, 2018. – Б. 59.



Муаллифнинг фикрича, МДХ мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят учун жавобгарликнинг самарадорлиги нафақат жазо оғирлиги, балки қонун нормасининг аниқлиги ва амалиётдаги изчиллиги билан белгиланади. Ўзбекистон учун энг тўғри йўл — Россия қонунчилигидаги каби квалификация белгилари ва вояга етмаган шахслар иштирок этган ҳолатларни оғирлаштирувчи омил сифатида аниқ белгилашдир.

Бундан ташқари, Россия ва Қозоғистонда фоҳишахона сақлаш билан боғлиқ жиноятлар статистикаси доимий равишда очиқ эълон қилинади. Бу жамоатчилик назоратини таъминлайди ва профилактика чораларининг самарадорлигини оширади. Ўзбекистонда ҳам бу соҳадаги очиқлик даражасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фоҳишахона сақлаш жинояти юзасидан илмий жамоатчиликда ягона фикр мавжуд эмас. Айрим олимлар бу жиноятни ахлоқий бузуқликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситаси сифатида баҳолашади, бошқалар уни фақат жамоат хавфсизлигига қарши қилмиш деб ҳисоблайди.<sup>18</sup>

Профессор **Б.Ж. Милушев** таъкидлаганидек, “фоҳишахона сақлаш жиноятининг хавfli жиҳати жинсий фаолиятнинг тижоратлашувида эмас, балки у жамиятдаги ахлоқий қадриятларни издан чиқаришида намоён бўлади”.<sup>19</sup> Бу нуқтаи назарга кўра, мазкур жиноят жамиятнинг маънавий устунларига қарши йўналтирилган.

Шу билан бирга, Россиялик ҳуқуқшунос **И.Н. Данилов** бу фикрга қарши чиқиб, фоҳишахона сақлашни “ижтимоий хавfli фаолиятни ташкил этиш, яъни жиноятлар учун шароит яратиш” сифатида баҳолайди.<sup>20</sup> Унинг фикрича, бундай қилмишда фақат ахлоқий хавф эмас, балки ҳуқуқий хавф ҳам мавжуд, чунки у бошқа жиноятларнинг содир этилиши учун “майдон” яратади.

Қозоғистонлик олим **Ж. Сейдалин** эса фоҳишахона сақлаш жиноятини деярли иқтисодий жиноят деб ҳисоблайди, чунки “бундай фаолият орқали ноқонуний даромад олиш, солиқ тўловларидан қочиш ва криминал муҳитни молиялаштириш ҳолатлари кузатилади”.<sup>21</sup>

Фикримизча, ушбу қарашларнинг ҳар бири муайян даражада ҳақиқатни акс эттиради. Бироқ Ўзбекистон шароитида фоҳишахона сақлаш жиноятининг асосий хавfli жиҳати – **жамият маънавияти ва ахлоқий соғлом муҳитга таҳдид солишидир**. Чунки мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятлар давлат сиёсатининг муҳим устуни ҳисобланади.

Бундан ташқари, айрим олимлар бу жиноят учун жавобгарликни енгиллаштириш ёки маъмурий жавобгарликка ўтказиш таклифини ҳам илгари

<sup>18</sup> Кузнецов А.П. “Преступления против общественной нравственности”. – М.: “Проспект”, 2021. – Б. 142.

<sup>19</sup> Милушев Б.Ж. “Социальная природа преступлений против нравственности”. – Санкт-Петербург: “Право”, 2020. – Б. 188.

<sup>20</sup> Данилов И.Н. “Организация проституции и содержание притонов: уголовно-правовой анализ”. – М.: “Юрайт”, 2018. – Б. 59.

<sup>21</sup> Сейдалин Ж. “Қозоғистон Республикасида ахлоққа қарши жиноятлар учун жавобгарлик”. – Остона: “Фемида”, 2021. – Б. 76.



сурганлар. Масалан, С.Н. Киселёвнинг фикрича, “фоҳишахона фаолияти жамият учун катта хавф туғдирмайди, шунинг учун уни жиноий жавобгарлик доирасидан чиқариш мумкин”.<sup>22</sup> Лекин бундай фикр Ўзбекистон шароитида қўллаб-қувватланиши қийин, чунки бу ҳолат жамиятда жинсий фаолиятнинг эркинлашувига олиб келиши ва ахлоқий инқирозни чуқурлаштириши мумкин.

Муаллифнинг шахсий қарашига кўра, фоҳишахона сақлаш жиноятини **жиноий-ҳуқуқий тартибда сақлаб қолиш**, аммо унинг **объектив ва субъектив белгиларини** аниқроқ белгилаш зарур. Хусусан, уюшганлик даражаси, вояга етмаган шахсларнинг жалб қилиниши, фойда олиш мақсади каби омиллар алоҳида қайд этилиши керак.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фоҳишахона сақлаш жинояти ҳуқуқий жиҳатдан жуда кўп қиррали масала бўлиб, у фақат жиноий-ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий, маънавий ва ахлоқий жиҳатларга ҳам эга. Бу жиноят жамиятдаги ахлоқий тартибни бузади, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатади ҳамда жиноятчиликнинг бошқа турларига замин яратади.<sup>23</sup>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида фоҳишахона сақлаш учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, амалда бу норма ҳар доим ҳам самарали ишламайди. Сабаби, жиноятнинг объектив томони ва унинг квалификация белгилари аниқ эмас, бу эса ҳуқуқни қўллашда турли талқинларга сабаб бўлади.

Муаллифнинг фикрича, мазкур моддани такомиллаштиришда қуйидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга:

✚ **Қонун нормасини аниқлаштириш.** 131-модда диспозициясида “фоҳишахона сақлаш ёки ташкил этиш” деган жумла кенг қамровли бўлиб, унинг аниқ ҳуқуқий белгиларини қонун даражасида белгилаш лозим. Масалан, “жойни доимий равишда фоҳишалик фаолияти учун тақдим этиш” тушунчаси аниқланиши керак.<sup>24</sup>

✚ **Оғирлаштирувчи ҳолатларни белгилаш.** Қонунчиликда вояга етмаган шахслар иштирок этган ҳолатлар, уюшган гуруҳ томонидан содир этиш, фойда олиш мақсадида амалга ошириш ҳолатлари алоҳида қайд этилиши лозим.<sup>25</sup>

✚ **Профилактика механизмларини кучайтириш.** Фақат жазо чоралари эмас, балки профилактика усуллариини такомиллаштириш муҳим. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари ва маҳалла институти ўртасида самарали ҳамкорлик тизими яратилиши зарур.<sup>26</sup>

✚ **Оммавий ахборот воситалари ва таълим тизими орқали маънавий тарбияни кучайтириш.** Жиноятнинг илдизи ахлоқий инқирозда ётади. Шу боис,

<sup>22</sup> Киселёв С.Н. “Современные тенденции в уголовном праве в отношении нравственности”. – М.: “Наука и право”, 2022. – Б. 54.

<sup>23</sup> Махмудов С. “Жиноятчиликка қарши курашда маънавий омиллар”. – Т.: “Юрист Медиа”, 2020. – Б. 112.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т.: “Адолат”, 2023. – Б. 178

<sup>25</sup> Давлетов И. “Фоҳишахона сақлаш учун жавобгарлик масалалари”. // “Ҳуқуқ ва жамият” журнали, №2, 2022. – Б. 45.

<sup>26</sup> Исмоилов А. “Жиноятчилик профилактикасида маҳалла институтининг ўрни”. – Т.: “Истиқбол”, 2021. – Б. 93.



ёшлар онгида соғлом ҳаётий қарашларни шакллантириш орқали бундай жиноятларнинг олдини олиш мумкин.<sup>27</sup>

✚ **МДХ давлатлари тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликка интеграция қилиш.** Россия ва Қозоғистондаги ҳуқуқий механизмлар (*айниқса, уюшганлик даражаси ва вояга етмаган шахсларнинг ҳимояси билан боғлиқ нормалар*) миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

Фикримизга кўра, фоҳишахона сақлаш жинояти нафақат ҳуқуқий, балки маънавий хавфлилик жиҳатидан ҳам жамият учун жиддий таҳдиддир. Шунинг учун ушбу жиноят учун жавобгарликни сақлаб қолиш, аммо унинг ҳуқуқий белгиларини аниқлаш, амалдаги қонун нормаларини аниқ ва изчил татбиқ этиш жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширади.

---

<sup>27</sup> Эргашев Х. “Ахлоқий қадриятлар ва жиноятчилик профилактикаси”. – Т.: “Фан”, 2019. – Б. 57.